

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
NAVOIY DAVLAT KONCHILIK INSTITUTI

**“GLOBALLASHUV
SHAROITIDA O'ZBEK TILI
NUFUZINI OSHIRISHNING
NAZARIY VA AMALIY MASALALARI:
muammo, yechim, istiqbollar”**

**MAVZUSIDAGI ILMIIY-AMALIY
KONFERENSIYA**

20-oktabr 2020-yil
Navoiy, O'zbekiston

MUNDARIJA

| | |
|---|----|
| SO'ZBOSHI..... | 3 |
| Қобул Бекназарович ТУРСУНОВ ТИЛ – МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИГА ЭГА БЎЛГАН ҲАР БИР ХАЛҚ..... | 5 |
| Баҳодир Бойнўлатович СОБИРОВ ТИЛ – МИЛЛАТНИНГ БЕНАЗИР ҚАДРИЯТИ..... | 6 |
| 1- SHO'VA O'ZBEK TILI NUFUZINI OSHIRISHNING NAZARIY MASALALARI | |
| Низора МУРОДОВА ЎЗБЕК ТИЛИ – МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ..... | 8 |
| Бахтиёр ДАНИЯРОВ ЛЕКСИК ВАРИАНТЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ ВА НУТҚИЙ МУНОСАБАТИ ВА ФАРҚЛОВЧИ ХУСУСИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА..... | 9 |
| Рапо YUSUBOVA ТЕЖАМЛИКНИНГ МЕТОНИМИYA ASOSIDA YUZAGA KELISHI..... | 11 |
| Башорат ЖАМИЛОВА “ФАҚАТ ОНА ТИЛИМ БАҒИШЛАР ДАРМОН!”..... | 14 |
| Орзибони ЮСУПОВА ЭКСПРЕССИВЛИК: СИНТАКСИСНИНГ ЭКСПРЕССИВ ВОСИТАЛАРИ..... | 18 |
| Дурдона ЮНУСОВА ШАВКАТ РАҲМОН ШЕЪРИЯТИДА МЕТАФОРА ҲОСИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ..... | 21 |
| Хайрулла ИБРАГИМОВ ТЎРА СУЛАЙМОННИНГ СИНОНИМЛАРДАН БАДИИЙ ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ..... | 24 |
| Aslam USMONOV, Umida USMONOVA SHART MAYLINING QO'LLANISHIGA DOIR BA'ZI MULOHAZALAR..... | 28 |
| Gulchehra BOLTAYEVA ONA TILI TA'LIMIDA MUSTAQIL, IJODIY, TANQIDIY TAFAKKURNI RIVOJLANTIRISH USULLARI..... | 32 |

metonimiyalarda saqlangan komponent o'z formantlarini saqlab qolmaydi, ta'kidlaganimizdek, ellipslashgan komponentning formantlarini qabul qiladi, bu esa tilning grammatik qoidalariga to'la mos keladi. Poetik matnda badiiylik bo'yog'i mavjud bo'lgan bu kabi metonimiyalar badiiy umumlashtiruvchilik vazifasini bajaradi.

Kuzatganimizdek, tejamlilik tamoyilining til rivoji hamda inson omiliga xizmat qilishi barcha uslublar uchun ahamiyatli ekanligini ko'rsatadi. Ellipsis vositasida sodir bo'lgan hosila ma'noni nutqiy metonimiyalar misolida ko'rib chiqish orqali yana bir bor amin bo'lindiki, poetik matnda izofalovchi-izofalanmish, qaratqich-qaralmish, sifatlovchi-sifatlanmish tipli birikmalarning ikkinchi komponenti tushib qolishidan yuzaga kelgan metonimiyalar nafaqat ifoda ixchamligi va lakonik mazmunni, shuningdek, ekspressiyani ta'minlashga ham xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1.Серебрянников Б.А. О материалистическом подходе явлениям языка. –М.: Наука, 1983. 319 с.
- 2.Поливанов Е.Д. Факторы фонетической эволюции языка как трудового процесса // Статьи по общему языкознанию. –М.: Наука, 1968. –С. 57-64.
- 3.Борисов В.В. Аббревиация и акронимия. –М., 1972.
- 4.Земская Е.А. Русская разговорная речь: лингв. Анализ и проблемы обучения.-2-е изд. перераб. и доп. –М.:Русский язык, 1987. 240 с.
- 5.Mirtojiyev M. O'zbek tili semasiologiyasi. -T.: Mumtoz so'z, 2010. 288 b.

“ФАҚАТ ОНА ТИЛИМ БАҒИШЛАР ДАРМОН!”

Башорат ЖАМИЛОВА,

Бухоро давлат университети доценти, филология фанлари номзоди

Аннотация. Мақолада XX аср адабиётида туркий тилларга, она тилига муносабати, жумладан, миллий тилни сақлаб қолиш гоёларнинг илгари сурилиши, шунингдек истиқлол йилларида ёш авлодга она тилимизга муҳаббат туйғусини шакллантиришида болалар шеърятининг ўрни ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: адабиёт, жаҳид, матбуот, маориф, тилишунос, қўлланма, дарслик, мумтоз, анъана, тадқиқот, ватанпарвар, абадият, маънавият, қадрият, тафаккур, мақола.

Она тили ҳақида қайгуриш ҳар бир миллатнинг ифтихори, бурчи! Шонли тарихга айланиб улгурган XX аср талай талотўплар билан бирга туркий тилимиз, она тилимиз нуфузини оширишга ҳисса қўшган фидойилари, ижод ва маърифат аҳлини ҳам боқий хотирага муҳрлади. Аср бошларида жаҳид маърифатпарварлари, хусусан, Бехбудий, А.Авлоний, Элбек сингари зиёлилар ижодида бу алоҳида мавзу бўлиб кўзга ташланди. Айни ҳақиқатни эътироф этган халқ шоири Эркин Воҳидов шундай деган эди: “Тилимизнинг бугунги даражаси, туркий тиллар ичида тутган мавқеи учун биз кўп жиҳатдан ўтган аср бошида яшаган жаҳид зиёлиларидан миннатдор бўлишимиз керак. Улар ўзбек тилининг сўз ясаш имкониятларидан дадил ва моҳирона

фойдаландилар, халқда миллий гурур, она тилига хурмат туйғусини тарбия қилдилар”.

Дарҳақиқат, ана шу саъй ҳаракатлар таъсири туфайли она тилимиз шухратини ёш авлод онгига сингдириш мустабид шўро тузуми даврида ҳам бутунлай йўқолиб кетмади. Билъакс, кўплаб шоир ва ёзувчилар ижодида мавзунинг тамсиллий талқинлари кузатилди. Жумладан, Ойбекнинг “Бола Алишер” қиссаси диққатга сазовор. Аввало, қисса болалар китобхонлиги намунаси эканлиги билан эътиборни тортади. Унда адиб Ойбек бўлажак сўз султони истеъдодининг энг ёрқин қирралари, хусусан, профессор Н.Каримов эътироф этганидек, “Навоий” романида “четлаб ўтган” “инсон ва шоир сифатидаги шаклланиш босқичларини” акс эттиришни мақсад қилиб олган. Шунингдек, Ойбек қиссада улуғ мутафаккирнинг туркий тилга юксак муҳаббати ва бунга туртки бўлган омилларни навоиёна талқин этади.

Табиийки, Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн” асари ва унда келтирилган туркий сўзларнинг маъновий товланишлари, бўёқдорлиги Ойбекдек ижодкорни бефарқ қолдирмаган. Шу сабабли, бу ходиса қиссада ҳам деталь, ҳам услуб сифатида ўз инъикосини топади. Масалан, кичкина Алишер тоғаси, отаси ва унинг дўстлари хузурида ғазал ўқиганда, Куръоннинг мағзини чақишга киришганида туркий тилга алоҳида муҳаббат билан қараши таърифланади. Хусусан, тоғаси Мирсаид “тўё Алишернинг қалбига кирмоқчидек” шундай дейди: “...Форс шоирлари юксак туйғулар, теран фикрлар ила тўла ажиб шеърлар яратмишлар. Бизнинг турк шоирлари ҳам уларга эргашиб, форсий шеърлар ижод этишни одат қилиб олмишлар. Туркистон ўлкамиз водийлари, саҳролари кенг, тоғлари буюк, аҳолиси турк-ўзбекдур. Ўзимизга хос одатларимиз, анъаналаримиз, кўшиқларимиз, дostonларимиз, эртакларимиз бор. Булар – чексиз бойлигимиз. Айниқса, тилимиз гўзал, ширин ва рангли! Жиян, ўз йўлингни топсанг, бас.”⁴ Қиссада бу тафсилотнинг икки-уч марта келтирилиши бежиз эмас, албатта. Биринчидан, Ойбек бу асарни Навоий ҳақидаги теран тадқиқотларидан сўнг, бадиий ижодининг камолот даврида ёзган. Яъни, адибни улуғ мутафаккир асарлари тили, руҳиятига анчайин ошно эди, дейиш мумкин. “Ойбек олтмиш ёшга тўлиши муносабати билан,– деб ёзади академик Н.Каримов,– ўз ҳаёт йўлини қайта назардан ўтказиб, бу йўлнинг машаққатли томонларини файласуф шоир сўзи билан мунаввар этиш, улардан фалсафий хулосалар чиқаришга уринди”.⁵ Англашиладики, адибнинг бу қиссаси айнан шу ёш мезонларида ёзилган. Иккинчидан, Ойбек қиссада дастлаб, Алишернинг ёшлигидаёқ қулоғига қуйилган ўғитлар кейинчалик, “Муҳокаматул луғатайн”дек юксак асарлар яратилишига замин яратди, деган гоё илғари сурилади. Чунки мазкур асарда юзлаб сўзларнинг ранг-баранг маъно касб этиши, масалан, ичмоқнинг “*сипқармоқ*”, “*томшимоқ*”; *йигламоқнинг* “*йигламсинмоқ*”, “*инграмоқ*”, “*синграмоқ*”, “*сиқтамоқ*”, “*ўкурмак*”, “*инчурмак*”, “*ҳой-ҳой*”лаб йиглаш лафзлари чиройли мисоллар воситасида асосланиб, бу тилнинг, элнинг улуғлиги таъкидланган. Ойбек бу манбадан

⁴ Oybek. Bola Alisher. Qissa. T.:2005 ,61-бет.

⁵ Каримов Н. “Бола Алишер” қиссаси ва унинг муаллифи тўғрисида. Китобда: Oybek. Bola Alisher. Qissa. T.:2005, 86-бет.

ижодий илҳомланиб, “Бола Алишер” киссасини қадимги туркий сўзлар билан жилолантиришга эришган. Бинобарин, киссада ёзувчи туркий-ўзбек тилининг деярли барча имкониятларидан фойдаланиб, сўзлашмоқнинг “жавраш” (биров супургининг таърифини айтиб *жавриса*), “суханварлик”, “шивирлашиш” (гоҳо улар ўзаро *шивирлашиб* кўюрлар; омад, деди киимдир шивирлаб); ёмоқнинг “кемириш” (чорикорлар кесакни *кемирурлар*), “шимимоқ” (Алишер тоғаси туткизган бир қобиргани аста *шимгани* ҳолда), “ошаламоқ” (ўгил бола деган ошни *ошалаб-ошалаб* ейди-да!), “чимдимок” (хушёр от таққа тўхтаганича туриб қолди. У боланинг бошига узоқ турди-да, атрофда оҳиста айлана-айлана ўт *чимдий* бошлади); қарамоқнинг “анграймоқ” (чол бир он *анграйиб* қолгач), “хайратланмоқ”, “томоша қилмоқ” (Алишер саҳифаларнинг нозиклиги, нақшларнинг нафислиги, оятларнинг хушхат битилганига хайратланиб, завқ ва мароқ ила *томоша қиларди*), “разм солмоқ” (Алишерга бошдан оёқ *разм солди*), “бошини кўтариб” (Алишер тўсатдан сесканиб *бошини кўтарар* экан, бепоён саҳрода ёлғиз ўзию саман отидан ўзгани кўрмади.), “кўзи йўлда тўрт” бўлмоқ, “интизор”, “пойлаб” сингари турли-туман маъноларда қўллайди. Қиссада бундай сўзлар ўша давр бадиий адабиётига монанд услубда ёзилгани ҳам Ойбек ижодий мақсадини ойдинлаштиради. Чунончи, “Кафтига қуёш кўндирилгандай чарақлаган, кенг *чорхари* меҳмонхонада янги явмуд гилам устида *тигиз давра* курган *қўноқлар*, якин дўстлар самимий *суханварлик* ила суҳбат курурлар. Катта кашмирий шол дастурхон узра писта-бодом, мағиз, асал, хилма-хил ҳолвалар тўкилган. Меҳмонлар *ошаб ичиш* ила турли қизиқ воқеалардан гаплашурлар; *мажлисда* хуш суҳбат бир дам *узилмас* эди”.⁶ Таъкидлаб кўрсатилган сўзлар ҳамда ифода усули Навоий даври руҳини бериши билан бирга, Ойбекнинг бадиий сўзга эътиборини ёрқин кўрсатади. Қолаверса, ўзбек тилининг жозибadorлигини мустақиллик туфайли англаётган бугунги авлод унинг бардавомлигини теран ҳис қилади. Бундан ташқари, улуғ шоирнинг туркий халқларга юксак эътибори орқали муаллиф ўзининг ватанпарварлик ғояларини баён эта олган. Бинобарин, Н.Каримов “Навоий – Ойбек ижодининг қалби”, – деганда кўпроқ ана шу туйғуларни назарда тутган бўлса, ажаб эмас. Муҳими, Ойбек ўз асарлари орқали Навоийни замондош ўқувчига яқинлаштиришдан ташқари, ўзининг долзарб ижтимоий-сиёсий қарашларини, тилимизнинг, халқимизнинг маънан юксак ва серқирра эканлигини ёш авлодга “бадиий васият” қилиб қолдирганига шубҳа йўқ.

Миразиз Аъзамнинг 1975 йилда ёзилган “Тил дарси” шеъри эса фалсафий, таълим-тарбиявий жиҳатдан болалар адабиётида она тилига муҳаббат мотивини ифода эта олган дастлабки шеърлардан. Анлашиладики, грузин диёрига меҳмон бўлиб келган лирик қахрамон билан грузин боласи ўртасида қуйидагича суҳбат бўлиб ўтади.

- Грузин тилини биласизми? –деди,
- Грузин тилини билмайман, –дедим.
- Грузин тилини ўргатайми?–деди.
- Ўргат,–дедим.⁷

⁶ Ўша жой, 3-бет.

⁷ М.Аъзам. Сайланма. 1-жилд. Т., “Чўлпон”, 2005, 140-141-б.

Фиала исмли бола “меҳмон”га ўз исми, қишлоғининг номини фахр билан айтиб, дарров ўз тилини ўргата кетади. “Сухбатдош” бир пасда боладан “ака”, “опа”, “қўл”, “оёқ”, “мен”, “сен”, “китоб” каби сўзларнинг грузинчасини билиб олади; айти пайтда ўзи ҳам Фиалага “уй”, “халқ”, “кўча” деган ўзбекча сўзларни ўргатаётганда манзилига етиб келади. Аммо, ана шу қисқа муддатда лирик қаҳрамон кичкинтой боладан бир жаҳон сабоқ олади. Унинг ўз тилига муносабати, ифтихори онгу шуурини сергаклантиради:

Лекин қулоғимда қолди, сўзларининг қўнғироғи,
Кўзларимда, “билдингизми”, – дегандай,
Кўзларининг жовдираши...

Шеър росмана дарс ифодаси бўла олганидан ташқари, савол-топширик ҳам берилади:

– Болалар! Сиз шундай қиласизми ҳеч?
Сизнинг шаҳрингизга, қишлоғингизга,
Меҳмон келса, узоқ эллардан,
Сиз ўзбек тилини ўргатасизми?
Ўзбек сўзларининг жарангини,
Меҳмон қулоғида янгротасизми?⁸

“Дарс”нинг росмана жиддий мавзу касб этганлигини биз мустақиллик йилларидагина теранроқ англаб етганимиз сир эмас.

Жаҳон адабиёти ва тарихида ўз она тили билан фахр ифтихор туйган халқлар, адибу шоирлар беҳисоб. Аммо Расул Ҳамзатов номи она тилига муҳаббат тимсоли сифатида эсланиши бежиз эмас. У ўз Доғистони, авар тилини шу қадар суйиб, ардоқлаб, таърифу тавсиф этадики, ўқиган китобхон ҳам ўз тилига шундай муҳаббат қўя олишни дилига тугади.. “Тоғлик она, – деб ёзади шоир, – ҳеч қачон тил қоидалари бузилган шеърни жигарбандига ўқиб бермайди”⁹

Шоир ўз она тилига бағишлаб нафақат шеърлар, балки қасида ва ривоятлар, халқи тарихига бағишлов, олтин сатрларни ёзиб қолдирди. Ижодкорнинг талай ривоят ва хотиралари ҳам айнан она тилини унутганлар ҳақида. Муаллиф, Парижда бир ҳамюртини кўриб қолгани, у инқилобдан аввал Италияга кетиб, ўша ёқларда қолиб кетган машҳур рассом эканлигини ҳикоя қилади. Унинг расмларида гарчанд Ватан соғинчи уфуриб турган бўлса ҳам суҳбати чоғида овулига қайтмаслик сабабини шундай тушунтиради рассом: “Энди кеч. Ўз вақтида мен Ватандан қайноқ юрагимни олиб кетгандим, энди унга кексайган суягимни олиб қайтаманми?”

Шоир юртига қайтгач ўша рассомнинг қариндошлари, онасини топиб, хурсанд қилмоқчи бўлади. Она эса: “Сизлар аварча сўзлашдингларми?”, – деб сўрайди. Аммо улар таржимон орқали гаплашганини эшитиб, она юзига қора чодрасини туширади. Уларда оналар ўз ўглининг ўлганини эшитганда шундай қилишаркан. “Расул, сен янглишибсан, – дейди рассомнинг онаси, – менинг ўғлим аллақачон ўлган экан. Агар менинг ўғлим ҳаёт бўлганда авар онаси ўргатган тилни унутмаган бўларди”.

Шоирнинг она тилига бағишланган бир шеъри бизни сергаклантиради.

⁸ Ўша жой.

⁹ Расул Ҳамзатов, Менинг Доғистоним. Т., “Тафаккур”, 2019. –Б.62

Айтсалар ҳам авар тили камбағал,
Менга она тилим суюкдан суюк.
БМТ минбарида тегмаса ҳам гал,
Менга она тилим буюкдан буюк.

Ҳа, ўз она тилини жаҳон минбарида янграшини орзу қилиш ҳар бир фидойи инсон учун юртига юксак эътиқод намунаси ҳамдир.

Шу ўринда она тилимиз учун нақадар фахрланишимиз лозимлиги яна бир бор аёнлашади.

Туркияда чиқадиган «Жумхурият» газетаси ўзининг 21 сентябрь сонидида «Ўзбек тили БМТда» сарлавҳали мақола эълон қилди. Унда ўзбек лидери тарихда илк бор ўз она тили – буюк Навоий, Соҳибқирон Темур, Бобур, Жалолоддин Мангубердиннинг тилида нутқ сўзлаши тарихий воқеа эканлиги таъкидланган. Дарҳақиқат, Президентимизнинг ўз маърузасини она тилимизда баён этиши халқимизнинг, она тилимизнинг кадрини янада баланд бўлгани далолатидир.

ЭКСПРЕССИВЛИК: СИНТАКСИСНИНГ ЭКСПРЕССИВ ВОСИТАЛАРИ

*Орзибони ЮСУПОВА,
СамДУ доценти*

Экспрессивлик – тилдаги экспрессив имкониятларнинг турли ифода шаклларида намоён бўладиган семантик категориядир. Унинг ёрдамида нутқ субъектининг кўплаб эмоционал ва индивидуал муносабати ифодаланади. Унинг юзага келиши нутқ ижроси пайтидаги психологик ҳолатлар билан, бадиий ижод жараёнида эса бу ҳолатлардан келиб чиқадиган ҳис-туйғулар ифодаси билан боғлиқ. Сўзловчи ёки ёзувчининг мақсадига мувофиқ келадиган лингвистик ва экстралингвистик омиллар ифоданинг экспрессивлик даражасини белгилайди.

Ҳарқалай, тил бирлигининг экспрессив воситага айланиши учун муайян шарт-шароит зарур бўлади. Улар маълум нутқий вазиятлардагина ана шу хусусиятга эга бўлиши мумкин.

Тил бирликларидаги экспрессивликнинг моҳиятини чуқур англамоқ учун уни сўзнинг денотатив ва коннотатив маънолари билан биргаликда олиб қараш мақсадга мувофиқдир. Чунки айнан мана шу маънолар доирасида унинг қиммати намоён бўлади. Коннотатив маънонинг кўчимга асосланганлиги баъзан экспрессивлик ва коннотативликнинг ўзаро синоним тушунчалар сифатида тушунилишига сабаб бўлади. Бунинг фикрнинг пайдо бўлишига маълум асослар бор. Бу асослардан энг муҳими нутқ муаллифининг воқеликка бўлган субъектив муносабатидир. Ифодадаги айрим ўринларни ажратиб кўрсатишга интилиш, баъзи сўзларнинг маъносини кучайтириш мақсадида уларни алоҳида урғу билан талаффуз қилиш, айнан мана шу матннинг баён услубига хос бўлган нутқий стандартлардан чекиниш, хуллас, эстетик самара берадиган барча усуллардан фойдаланиш ушбу субъектив муносабатларни ташкил этади.